

ISSN 0103-6370

O'ZBEKISTON

№4
2005

QISHLOQ

XO'JALIGI



ANDIJON QISHLOQ XO'JALIK
INSTITUTI
KUTUBXONASI



*Нефть маҳсулотлари — қишлоқ хўжалик
техникалари учун ҳаёт манбаи!*

"ЎЗНЕФТМАҲСУЛОТ"
акционерлик компанияси

ЎЗБЕКISTON QISHLOQ XO'JALIGI

(«Сельское хозяйство
Узбекистана»)

Аграр – иқтисодий,
илмий – оммабоп
журнал



МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирлиги

Бош муҳаррир:
**Раҳматилла
ШЕРАЛИЕВ**

Таҳрир ҳайъати:
Сайфиддин ИСМОИЛОВ
Абдувоҳид ЖўРАЕВ
Эркул ЗИКРИЁЕВ
Холхўжа МИРЗАЕВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Абдушукур ХОНАЗАРОВ
Шамсиддин ЭСОНБОЕВ
Соҳибжон ҚОБИЛОВ

2005 йил, № 4
апрель

Журнал 1922 йил
октябрдан
чиқа бошлаган.
Обуна индекси:
якка обуначилар
учун — 894
ташкilotлар учун — 895

МУНДАРИЖА

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ

| | |
|--|----|
| Қ.МИРЗАЖОНОВ, Р.БЕГМАТОВ, Ғ.ПЎЛАТОВА. Ғўза чопиғи..... | 2 |
| Ў.МИРҲОМИДОВ, Д.ТОШПЎЛАТОВ. Ахборот – маслаҳат хизмати..... | 4 |
| Ш.АБДУЛАЗИЗОВ. Уйғунлик – самарадорлик мезони..... | 5 |
| С.МУСАЕВА. Кафолатни ким беради?..... | 6 |
| Б.МАМАТҚУЛОВ, Н.РАҲИМОВ. Самарадорлик – пиروард мақсад..... | 7 |
| А.ҲОШИМОВ. Оралиқ бўғин..... | 9 |
| К.УТАРОВ. Принципи маркетингового менеджмента | 10 |

ПАХТАЧИЛИК

| | |
|---|----|
| Р.НАЗАРОВ, Б.АБДОЛНИЁЗОВ. Ғўза навлари агротехникаси..... | 11 |
| Б.НУРАБАЕВ. Рабочий орган культиватора | 12 |
| С.МЎМИНОВ, Б.МЎМИНОВА. Мезон тезпишарлик ва ҳосилдорлик | 13 |
| М.АХМЕДОВ. Повышение урожайности хлопчатника..... | 14 |
| Ю.КЕНЖАЕВ, Ш.БЕРДИҚУЛОВ, А.САНАҚУЛОВ. Тупроқ ҳарорати..... | 14 |
| К.АЛЛАМУРОДОВ, Р.ОРИПОВ, Ғ.БОБОЕВ. Техника. Тупроқ. Ҳосилдорлик | 15 |
| П.ПОПОВ, Д.ДАМИНОВА. Степень развития моноподия..... | 16 |
| М.ГАЗИЕВ, Г.ЮЛДАШЕВ, Т.ТЕЛЛЯЕВ. Борьба с вилтом..... | 17 |
| Ш.ЖУМАЕВ, Б.ХАМЕДОВ. Фотосинтетический потенциал и продуктивность хлопчатника..... | 18 |
| Э.ОЧИЛОВ, Т.УРАИМОВ. Қайтарилыш қонуни | 19 |

ҒАЛЛАЧИЛИК. ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

| | |
|--|----|
| М.ДЖУМАНИЯЗОВ. Заслон вредителям и болезням растений..... | 20 |
| Р.СИДДИҚОВ. Бугдой бошоқлаганда..... | 21 |
| З.ЁДГОРОВ, Т.ОСТОНАҚУЛОВ, Р.МАВЛОНОВА, Ғ.АБДУЛЛАЕВ. Ширин маккажўхори..... | 22 |
| И.НАЖМИДДИНОВ. Меъёр, сифат ва ҳосилдорлик..... | 23 |
| Н.ОБЛАКУЛОВА. Кунжут: высокомасличное растение..... | 24 |
| М.АМАНОВА, Т.ХОЛТОЕВ, А.РУСТАМОВ. Кунгабоқарнинг истикболли тезпишар навлари..... | 25 |
| Н.БАРАКАЕВ, Т.МИРҲОЛИҚОВ, А.ИШМЕТОВ. Дон хоссалари ва ун сифати..... | 27 |

САБЗАВОТЧИЛИК. ИРРИГАЦИЯ. МЕХАНИЗАЦИЯ.

| | |
|---|----|
| Т.БЕГДУЛЛАЕВА. Культура универсального использования..... | 28 |
| О.ЭГАМБЕРДИЕВ. Тежамкор технологиялар..... | 29 |
| Н.ЖАББОРОВ, М.ЁҚУВОВ, А.ЖАББОРОВА. Уч фазали моторлар..... | 30 |
| М.КОМИЛОВ. Фермерлар мадақори..... | 32 |
| Г.ПАЙЗИЕВ. Некоторые свойства ботвы и клубней картофеля..... | 33 |
| А.НОРМАТОВ, Э.УМИРЗАҚОВ. Измир..... | 34 |
| С.ГУЛИМОВ, Ғ.ГУЛИМОВ. Тилими тилни ёрсин..... | 34 |

ЧОРВАЧИЛИК

| | |
|--|----|
| Б.РЎЗИБОЕВ, А.РАҲИМОВ. Ветеринария воситалари бозори: ҳолати, ривожланиши ва истиқболи..... | 36 |
| И.МАҚСУДОВ, Ш.АМИРОВ, С.БОШМОНОВ. Даврий алмашинувчи рационлар..... | 37 |

ТАДБИРКОРЛИК ТҒИХАТИ

| | |
|---|----|
| Х.МУҲИТДИНОВ. Оилавий бизнес..... | 38 |
| Қ.МИРЗАЖОНОВ. Ибрат..... | 39 |
| М.ТОШБОЛТАЕВ. "Аккумулятор" бошқотирмаси..... | 40 |

АХБОРОТ-МАСЛАХАТ ХИЗМАТИ

Бугунги кунда қишлоқ хўжалик корхоналарини ахборот билан таъминлаш бошланғич босқичда турибди. Турли мулк шаклидаги хўжалик юритувчи корхоналарни бозор шароитида самарали фаолият юритишда ахборот таъминоти хизмати суғориладиган деҳқончилик ва мулк ҳуқуқи тамойилларига таянади. Бу эса тизимни доимо ривожлантириб бориш, уни яратиш ва ишлатиш учун сарфланадиган харажатларни тежайди. Булардан ташқари малакали мутахассислар потенциали шаклланади. Шуларни ҳисобга олганда қишлоқ хўжалик корхоналарига ахборот хизмати кўрсатиш концепциясини шакллантириш зарур.

Агар республика қишлоқ хўжалигида ахборот-маслаҳат хизмати (АМХ) бўйича бажарилган ишланмалар замонавий техникалар ёрдамида янги ахборот технологияларига ўтказилса, товар ишлаб чиқарувчиларга хизмат кўрсатиш даражаси яхшиланади, тижорат ахборотларни ўзлаштириши осонлашади. Бу ерда албатта ҳал қилиниши зарур бўлган қатор муаммолар мавжуд.

Биринчидан — Республика ахборот-маслаҳат хизмати марказига узатилувчи маълумотлар базасини ташкил этиш тартиби ишлаб чиқилиши зарур. Бу айниқса, тугалланган илмий-техник ишланмаларга ва инновацияларга тегишли.

Иккинчидан — ахборот истеъмолининг асосий оғирлиги АМХ елкасига тушгани учун АМХнинг жаҳон маълумотлар банки ва базасига киришини таъминлаш лозим. Бусиз товар ишлаб чиқарувчиларга малакали ахборот хизмати кўрсатиб бўлмайди.

Учинчидан — қишлоқ хўжалиги субъектлари айниқса, туман бўғинида бошқарув органлари ҳақидаги қонун ва ҳаракатдаги умумий қоида масалаларига ахборот-маслаҳат ёрдамини кўрсатиш ва инновацияни тарғиб этишни киритиш мақсадга мувофиқ.

Тўртинчидан — АМХ янгилигини ҳисобга олиб, бошқаришнинг барча бўғинларида мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга киришиш керак.

Бешинчидан — минтақалардаги тажриба объектлари ва АМХ тизимидаги етакчи илмий-текшириш институтларини замонавий ҳисоблаш воситалари билан таъминлаш зарур.

Олтинчидан — Республика АМХ марказидан вилоятга, кейинчалик туманларга маълумотлар банки ва ахборотларни узатиш каналларини танлашни узил-кесил ҳал қилиш лозим.

Еттинчидан — қишлоқ хўжалигида АМХни ташкил этиш молиявий харажатлари ўз ечимини топиши зурур.

АМХни ташкил этиш ва фаолияти давлат томонидан молиялаштирилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки кўпгина мамлакатлар шу йўлни танлашган. Ахборот-маслаҳат хизмати кўрсатиш корхона мақсадини белгилаш, бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ахборотларни жорий йиғиш ва ишлаш корхона иқтисодий кўрсаткичларининг режадан четланиши ус-тидан назорат ўрнатилиши, энг муҳими оптимал бошқарув қарорлар қабул қилишига тавсиялар тайёрлаш каби ишларни ўз зиммасига олади. Бутун тизим иш фаолиятини корхона олдида қўйилган мақсадларни амалга оширишга қаратиб, АМХни режалаштириш, ҳисоб, назорат, иқтисодий таҳлил, ахборот оқимини ташкил этиш ва шунга ўхшаш кўпгина ишлар бир бутун ҳолда текширилади. Бугунги хўжалик юритушдаги ишлаб чиқариш баъзи бир кўрсаткичларининг камайиши, иқтисодий халқаларини айримларида дебиторлик қарзлар кўплиги, баъзи бир минтақалар билан иқтисодий алоқаларнинг ўрнатилмаганлиги, инфляция, бюджет танқислиги, бизнесни юритишда қонундан четланиш каби қийинчиликлар менежерга бозорни тўғри мўлжал олишга ҳалақит

беради. Бу эса бошқарувчи-маслаҳатчилар ёрдамига эҳтиёжни оширади, холос.

АМХлар қандай кўринишда ва қайси маблағ ҳисобига тuzилишидан қатъий назар муҳим муаммолар бўйича фақат маслаҳат бериб қолмай, қишлоқ хўжалиги корхоналарини бошқаришни такомиллаштириш масалаларини ҳам ўрганиши керак.

АМХда ҳал қилинадиган масалаларнинг қуйидагиларга ёрдами тегади:

— рақобатбардош ишлаб чиқаришни ташкил этади;

— мулк муносабатларини такомиллаштириш ва ердан фойдаланиш самарадорлигини оширади;

— истиқболли режаларни амалга оширишнинг замонавий усуллари ва технологияларини излаб топади;

— муаммоларни бартараф этишни таъминловчи бизнес-режани ишлаб чиқишда бир-галиқда фаолият кўрсатади;

— инвестиция лойиҳаларининг мақсадлилигини, бизнес-режаларда кредитнинг камай-тирилиши имкониятини асослайди;

— туман ва вилоят АМХни ташкил этишда бевосита иштирок этади.

АМХга услубий ёндошишнинг ўзига хос хусусияти бу қишлоқ хўжалигидаги муаммоларни аниқлаш, ечимини билан боғлиқ ахборотларни излаш, қўллаш учун тавсиялар бериш, товар ишлаб чиқарувчиларни янги ахборот технологияни ишлатиши учун ўқишни ташкил этишларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, тизимда ким ва нима иш қилиши кераклиги, тизим унсурлари орасидаги фармал ва нофармал алоқалар қандайлиги аниқланиши лозим.

Ў.МИРҲОМИДОВ
Андижон қишлоқ хўжалик
институтининг доценти, и.ф.н.
Д.ТОШПҲАТОВ,
шу институт ассистенти